

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИДА  
ҚАДРСИЗЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН АСОСИЙ  
ВОСИТАЛАРНИ АНИҚЛАШНИ 36-СОН БҲХС АСОСИДА  
ҲИСОБГА ОЛИШ**

***Каримова Мавжуда Боходировна,***

*НамМТИ "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит"*

*кафедраси катта ўқитувчиси,*

[mavjudakarimova2@gmail.com](mailto:mavjudakarimova2@gmail.com)

***Ганиева Нозима Алижон қизи***

*НамМТИ "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит"*

*кафедраси ассистенти*

[nozimaganieva40@gmail.com](mailto:nozimaganieva40@gmail.com)

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиб бориши жараёнида корхоналарда қадрсизланиши мумкин бўлган асосий воситаларни аниқлаш 36-сон БҲХС асосида ҳисобланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган .*

***Калит сўзлар :*** *асосий восита, баланс қиймати , пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик, қадрсизланишдан зарар, қопланадиган қиймат, фойдаланиш қиймати , асосий воситалар билан таъминланганлик.*

***Аннотация:*** *В данной статье в ходе развития рыночных отношений в нашей стране рассматриваются вопросы, связанные с определением основных средств, подлежащих амортизации на предприятиях, рассчитанных на основе 36-го БХХС.*

***Ключевые слова:*** *основные средства, балансовая стоимость, генерирующая единица, убыток от обесценения, возмещаемая стоимость, ценность использования, обеспеченность основными средствами.*

**Abstract:** *In this article, in the course of the development of market relations in our country, the issues related to the determination of the main means that can be depreciated in enterprises are calculated based on the 36th BHXS*

**Keywords:** *fixed asset, balance sheet value, cash-generating unit, impairment loss, recoverable amount, value in use, provision of fixed assets.*

### **Кириш**

Мамлакатимизда корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида улар фаолияти мўътадиллиги таъминлашнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар фаолияти давомида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланишлари ривожланиш истиқболларини белгилайди.

36-сон БҲХСнинг мақсади ташкилот томонидан активларнинг баланс қиймати уларнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш билан боғлиқ тартибларни белгилашдан иборат .

36-сон БҲХСнинг мақсади:

-активларни баланс қиймати уларни қопланадиган қийматидан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш билан боғлиқ тартибларни белгилаш( яъни бўрттирмаслик).


-шунингдек, активларнинг қадрсизланишдан зарарни қачон қайта тикланиши лозимлигини ва ташкилот томонидан ё ёритиб берилиши лозим бўлган маълумотларни белгилайди.

**Қадрсизланишдан зарар бу-** актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик- баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ортган суммасидир.

**Қопланадиган қиймат-**актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва фойдаланиш қийматидан каттасидир.

**Фойдаланиш қиймати**- бу активдан ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдан олинishi кутилаётган келгуси пул оқимларининг дисконтланган қийматидир.

Агар активнинг баланс қиймати уларнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлса қадрсизланиш юз берган деб ҳисобланади.



Фойдаланиш қийматини ҳисоблаш 2 қадамни ўз ичига олади:

- келгуси пул оқимларини ҳисоблаш
- ушбу пул оқимларини дисконтлаш

Фойдаланиш қийматини ҳисоблашда келгуси пул оқимларини баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади;

- раҳбарият томонидан тасдиқланган молиявий бюджетларга/прогноزلарга
- энг яқин ўтмишда кўрилган натижаларга

-саноат ёки ташкилотнинг умумий кўрсаткичлари (минимал ва максимал кўрсаткичлар (даврийлиги))

Келгуси пул оқимларини режалаштиришда активнинг жорий ҳолати ҳисобга олинади.

**Хулоса қилиб шунни айтиш жоизки**, активнинг баланс қиймати уларнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлса кадрсизланиш юз берган деб ҳисобланади.

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирига актив учун ўтган даврларда тан олинган кадрсизланишдан зарар ортиқ мавжуд бўлмаслигининг ёки камайган бўлиши мумкинлигининг аломатларини баҳолаши лозим, агар бундай аломат мавжуд бўлса, ташкилот ушбу активнинг қопланадиган қийматини баҳолаши лозим.

Корхоналарда асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси яхши ҳолатда бўлмаса, мос равишда асосий воситаларни самарадорлик кўрсаткичлари ҳам паст кўрсаткичга эга бўлади. Бунинг натижасидан ишлаб чиқаришдаги воситаларнинг фонд қайтими ҳам кўрсаткич маълумотлари паст ҳолатда эканлиги намоён бўлади. Бунинг асосий сабаблари воситаларни эскирганлигидан ва асосий воситалардан самарали фойдаланилмаётганлигини айтиб ўтишимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. -Т.: 2016й.
2. (IAS) 36 "Активларнинг кадрсизланиши" Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (АВ томонидан 09.12.2022 й. 3400-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 10.11.2022 й. 61-сон буйруғига 21-илова)
4. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.
5. Abdvaxidov F.T., Qo'ziyev I.N., Dadabayev Sh.X. Buxgalteriya hisobi. Darslik. –Т.: TDIU, 2019. – 403 b.

6. Karimova, M. (2023). Urgent Issues of Accounting for Fixed Assets in the Context of Modernization of the Country. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(10), 96-100.
7. Каримова, М. Б. (2023). УЧЕТ АРЕНДЫ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В СООТВЕТСТВИИ С МСФО. *Miasto Przyszłości*, 41, 27-32.
8. Sobirov, O. O., Karimova, M. (2023). Problems of Effective use of Key
9. <http://www.ref.uz>.
10. <http://www.ziyonet.uz>.
11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари